



DEMANDS AND PROBLEMS FOR HOUSING OF INDUSTRIAL WORKERS IN SURKHANDARYA REGION IN THE 70S AND 80S OF THE 20TH CENTURY

U. K. Khudoykulov

Assistant professor

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Industrial complex, construction industry, residential, administrative-household, transport, communications, railways, Soviet government, light and food industry, Industrial districts, factories, Denov oil extraction plant, Jarkurgan yarn gas plant.

Received: 25.11.23

Accepted: 27.11.23

Published: 29.11.23

Abstract: This article describes in detail the relationship of workers of industrial enterprises to housing in the 70s-80s of the 20th century. Also, practical works were carried out on the basis of the state plan in order to improve the construction of housing, administrative-household, and service buildings, to create new construction projects, and to involve them in production. However, housing construction organizations commissioned due to the poor quality of newly built residential buildings, lack of internal equipment, water and gas supply failure, non-conformity of reinforced concrete buildings to local conditions were analyzed as not adapted to modern needs.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА XX АСРНИНГ 70 - 80 ЙИЛЛАРИДА САНОАТ КАРХОНА ИШЧИЛАРНИНГ ТУРАР ЖОЙГА БЎЛГАН ТАЛАБ ВА МУАММОЛАР

У. К. Худойкулов

Доцент

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Саноат комплекси, қурилиш саноати, турар-жой, енгил ва озиқ-овқат саноати, Саноатлашган районлар, завод-фабрикалар, Денов ёғ-экстракция заводи, Жарқурғон ип газлама корхонаси.

Аннотация: Мазкур мақолада саноат корхона ишчиларининг XX асрнинг 70 – 80 йиллар даврида турар жойга бўлган муносабатларини батафсил ёритилиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда уй-жой, маъмурий–маиший, хизмат бинолар қурилишини яхшилаш мақсадида, янги қурилиш лойҳаларини яратиш, ишлаб

чиқаришга жалб этиш мақсадида давлат режаси асосида амалий ишлар бажарилганлиги, бу даврда қурилган уй-жойлар биноларни маҳаллий шароитга мос келмаслиги туфайли ишга туширилган уй-жой бинолари замонавий эҳтиёжларга мосланмаган таҳлил қилинган.

ТРЕБОВАНИЯ И ПРОБЛЕМЫ ЖИЛЬЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ РАБОЧИХ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ В 70-80-Е ГОДЫ XX ВЕКА

У. К. Худойкулов

Доцент

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Промышленный комплекс, строительная индустрия, жилищный, административно-бытовой, транспорт, связь, железные дороги, Советская власть, легкая и пищевая промышленность, Промышленные районы, заводы, Деновский нефтеэкстракционный завод, Жаркурганский ниткогазовый завод.

Аннотация: В данной статье подробно описано отношение работников промышленных предприятий к жилью в 70-80-е годы 20 века. Также на основе государственного плана проводились практические работы по совершенствованию строительства жилищных, административно-бытовых и служебных зданий, созданию новых строек, вовлечению их в производство. Однако жилищно-строительные организации поручили из-за низкого качества вновь построенных жилых домов, отсутствия внутреннего оборудования, отсутствия водоснабжения и газоснабжения, несоответствия железобетонных зданий местным условиям анализировались как не приспособленные к современным потребностям.

КИРИШ

Ўзбекистонда XX асрнинг 70- 80 йилларда энгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган бўлсада, бироқ, ушбу йўналишларнинг ҳаммаси марказ манфаатларига мослаштирилган ҳолда олиб борилиб, миллий аҳамиятга эга энгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга совет ҳукуматини томонидан ҳеч қандай моддий ва маънавий шароит яратиб берилмади. Натижада янги ғишт заводларини қуриш, мавжуд ғишт заводларини таъмирлаш ҳисобига маҳсулотга бўлган эҳтиёжларнинг қондирилиши учун янги имкониятлар ишга солинди. 1970 йилда халқ хўжалиги ҳамда аҳолини талаб эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ғишт ишлаб чиқариш энгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ходимлари учун Сурхондарё вилоятида 87,6 миллион донага ўсди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жанубий вилоятларда темир-бетон конструкцияси қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришига алоҳида эътибор берилиб, кўп қаватли уй-жойлар, маданий-маиший, жамоат, маъмурий биноларни қуриш имкониятларига кенг йўл очилди. 1970 йилда Сурхондарё вилоятида 111,5 минг куб метр темир-бетон қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда уй-жой, маъмурий-маиший, хизмат бинолар қурилишини яхшилаш мақсадида, янги қурилиш лойҳаларини яратиш, ишлаб чиқаришга жалб этиш мақсадида давлат режаси асосида амалий ишлар бажарилди. Темир-бетон конструкция қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва йиғиш республикада 1970 йил 2870,7 минг куб метр, 1975 йил 3899,0 минг куб метрни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Сурхондарё вилоятида эса 1970 йил 108,3 минг куб метр, 1975 йил 155,8 минг куб метрни ташкил этди.

Бу даврда қурилиш ишларини жадаллашиб, аҳоли сонининг табиий ўсиши, миграцион жараёнларнинг кучайиши, пахтачиликни кенг миқёсда кўпроқ ривожлантиришга бўлган интилишлар ҳамда оммавий янги ерларни ўзлаштирилиши, янги саноат корхоналари, маданий-маиший соҳа бинолари учун қурилишга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бериши янги саноат комплексларининг барпо этилиши ва қурилиш маҳсулотларига талабнинг ошиб боришига олиб келди. Республикадаги мавжуд қурилиш саноат корхоналари 1980 йил 4642 минг куб метр темир-бетон конструкция маҳсулотларини ишлаб чиқарган бўлса, 1985 йилда бу кўрсаткич 6078,0 минг куб метрни ташкил этди. Шунингдек, темир-бетон қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш Сурхондарё вилоятида 1980 йил 197,8 минг куб метр, 1985 йилда 300,1 минг куб метрни ташкил этди.

Уй-жойга бўлган талабни қондириш масаласида совет ҳукумати уй-жой қурилиши, кооператив ва қурилиш ташкилотларига катта эътибор билан қараб, маблағлар сарфлашни кўпайтирди. Қурилишга сарфланаётган маблағлар асосан шаҳарсозлик, саноат корхоналар, маданий-маиший соҳадаги уй-жой биноларини қуришга қаратилди. 1971-1975 йилларда енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ходимларига Ўзбекистон ССР бўйича 2526 миллион рубл сарфланди. Сурхондарё вилоятига 150 миллион рубл миқдордаги маблағлар сарфланиб, 1418 минг кв метр уй-жой бинолари қурилди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, ушбу маблағлар енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ходимларини сон жиҳатдан ўсиши, янги оилаларни уй-жой билан таъминлаш учун етарли эмас эди. Шунингдек, сарфланаётган маблағлар ҳисобида қурилаётган уй-жой махсус “имтиёзлар” асосида Ўзбекистонга юборилган мутахассислар, ходимлар, ҳарбийларга кўпроқ ажратилар эди. Энг таҳлилга жалб қилинадиган нарса, 1970 йилга келиб пахта якка ҳокимлиги натижасида аҳолига уй-жой қуриш учун томорқа бериш тўхтатилган бўлиб, берилиши мумкин бўлган томорқалар

ҳам экин экилмайдиган, ташландиқ ёки паст-баландликдан иборат бўлган, ўзлаштирилмаган ерлардан ажратилди.

Саноат комплексларини қуриш ҳамда қурилиш саноатининг такомиллашиб бориши натижасида турар-жой, маъмурий-маиший, транспорт, алоқа, темир йўллар ҳамда бошқа хўжалик соҳалари учун қурилиш материалларини етказиб беришга алоҳида эътибор берилди. Чунки совет ҳукумати ўзининг енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ҳодимларини уй-жой билан таъминлаш стратегиясида ушбу масалани биринчи ўринга қўйган эди. Саноатлашган районлар, завод-фабрикалар ҳамда қурилиш саноатига асосан русийзабон аҳоли жойлашган бўлиб, Марказдан юборилган кишиларни уй-жой билан таъминлаш асосий масала эди. Айниқса, миграцион жараёнлар Ўзбекистонда 1971-1975 йилларда кучли бўлиб, Россия марказидан аҳолини кўчиб келиши кучайди. Натижада республикада енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ҳодимларига уй-жой қурилиши кўпайиб, 1971-1975 йилларда 435,3 минг квартира, 1976-1980 йилларда 453,1 минг квартира қуриб соҳа ҳодимларига топширилди. Шунингдек, жанубий ҳудудларда енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ҳодимларига уй-жой қурилишига эътибор берилиб, янги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ишга туширилиши туфайли 1971-1975 йилларда енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ҳодимларига Сурхондарё вилоятида 1971-1975 йилларда 24,9 минг квартира, 1976-1980 йилларда 23,1 минг квартира қуриб, ишга туширилди.

Уй-жой қурилишига эҳтиёжни ҳисобга олиб, қурилиш ташкилотларига ажратилган маблағларнинг асосий қисми марказий шаҳарларга сарфланиб, жанубий ҳудудлар ҳисобланган Сурхондарё вилоятида Термиз, Денов, Шеробод, Шўрчи, Жарқурғон, Қумқўрғон каби саноатлашган шаҳарларида бу даврда икки қаватли уй-жой бинолари қурилиб, ушбу уй-жойлар асосан енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ҳодимлари учун ажратилди. Бироқ бу икки қаватли уйлар маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олинмасдан, сув, газ таъминоти, санитария ҳолати ҳисобга олинмай қурилган бинолар эди. 1975 йилда енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ҳодимларига Сурхондарё вилоятида 37 миллион рубл сарфланиб, 288 минг кв. м. уй-жой бинолари қурилди. Бироқ юқорида қайд этилганидек уй-жой қурилиши ўз сифат ва самарадорлиги билан талаб даражасида эмас эди.

Янги уй-жой биноларига бўлган талаб-эҳтиёжларни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўсиши, янги ёш оилаларнинг кўпайиши, йирик саноат комплексларининг қурилиши, янги ерларнинг катта ҳажмда ўзлаштирилиши натижасида қурилиш ташкилотлари зиммасига катта ишлар юклатилди. Жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам уй-жой қурилишига эътибор янада кучайтирилди. Чунки Марказни пахта хом ашёси билан таъминловчи ушбу ҳудудларда пахтани қайта ишловчи саноат корхоналари кўплаб қурилаётган эди. 1975-1980 йилларда уй-жой қурилишига Ўзбекистонда 3198 миллион рубл

сарфланиб, 27382 минг кв.м. уй-жой бинолари куриб ишга туширилган бўлса, Сурхондарё вилоятида эса 158 миллион рубл сарфланиб, 1414 минг кв. м. уй-жой бинолари куриб ишга туширилди. Курилиш жараёнининг тезлашиши асосан вилоятлардаги саноатлашган шаҳарларда амалга оширилди. Шунингдек, курилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи заводлар эса Термиз, Денов шаҳарларда бўлиб, курилиш жиҳозларини етказиб бериш масофаси қолган ҳудудлардан узоқ бўлиб, ушбу ҳолат ортиқча маблағларни талаб қилар эди.

1970-1980 йилларда Ўзбекистонда уй-жой қурилиши масаласи енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ҳодимлари сонининг ошиб бориши, янги оилаларнинг уй-жойга бўлган талаби, миграцион аҳоли келишининг кучайиши натижасида янада долзарб муҳим масала бўлиб қолаверди. Бироқ шуни алоҳида қайд этиш зарурки, курилатган уйлар енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ҳодимлари талаб-эҳтиёжларига жавоб бермай, темир-бетон ускунали уйлар қишда ниҳоят совуқ, ёзда кучли иссиқ туфайли уй-жойларда яшаш қийин бўлиб, бетон деворларнинг ички қисмида ёз ва қиш даврида ҳимояланувчи махсус қатламлар ўрнатилмаган, канализация, сув, газ таъминотлари билан таъминловчи мосламалар мустаҳкам қурилмаганлиги туфайли аҳоли ниҳоят даражада қийналиб яшар эди.

1980 йилда Ўзбекистон бўйича уй-жой қурилишига 714 миллион рубл сарфланиб, 5742 минг кв. м. уй-жой бинолари қурилган бўлса, Сурхондарё вилоятида 30 миллион рубл сарфланиб, 256 минг кв. м. уй-жой бинолари куриб ишга туширилди. Ушбу маълумотларда қайд этилган рақамлар аҳолини уй-жойга бўлган талабини 42,7 фоизини таъминлашга етар эди. Демак, уй-жойга бўлган талаб-эҳтиёж Ўзбекистонда, жумладан, жанубий вилоятларда энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолаверди.

Ўзбекистонда уй-жой қурилишига бўлган талаб ҳамда аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб қурилиш ишларини амалга ошириш чекланган бўлиб, ушбу масала учун зарур маблағ, қурилиш маҳсулотларини ажратиш Марказнинг ихтиёрида бўлганлиги туфайли ҳамisha катта муаммолар ҳамда тўсиқлар пайдо бўлар эди. Уй-жой қурилишини жадаллаштириш, янги қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи заводларни қуриш учун Ўзбекистоннинг ички захираси йўқ эди. 1980-1990 йилларда замонавий уй-жойлар қуриш, ички жиҳозларни таъминлаш, эстетик дид билан янги уй-жой комплексларини қуриш имконияти йўқ эди, бу борада янги лойиҳалар ва таклифлар ҳисобга олинмас эди. Шу туфайли совет ҳукумати даврида, 1930-1950 йилларда қурилган икки, тўрт қаватли уйларни қуриш лойиҳаси, тузилиши, ички ва ташқи кўриниш 1960-1990 йилларда ҳам деярли ўзгармади. 1981-1985 йилларда уй-жой қурилиши учун Ўзбекистонда 4189 миллион рубл сарфланиб, 6006 минг кв.м. уй-жой қурилган бўлса, жумладан, Сурхондарё вилоятда 183 миллион рубл сарфланиб, 384 минг кв. м. уй-жой бинолари куриб ишга туширилди. Ушбу

уй-жой бинолари жанубий ҳудудларнинг маъмурий ва саноатлашган марказлари ҳамда янги барпо этилган Термиз, Денов, Шеробод, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон каби шаҳарларда амалга оширилди.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, тадқиқ қилинган йилларда уй-жой қурилиши масаласини ижобий ҳал этишга анча уриниш бўлди. Хуллас, 1970-1990 йилларда жанубий вилоятларда кўплаб уй-жой бинолари қурилди.

1979 йилдан эътиборан Ўзбекистоннинг 9 шаҳрида (Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Андижон, Қарши, Термиз ва ҳ.к) шахсий уй-жой қуриш ман этилди. Бунинг натижасида 1978 йилда ишчи ва хизматчиларнинг ўз маблағи ва давлат қарзи ҳисобига Сурхондарё вилоятида 43 минг квадрат метр уй-жой қурилган бўлса, 1980 йилга келиб, бу кўрсаткич Сурхондарёда 21 минг квадрат метр уй-жойни ташкил қилди. Бу даврда йўл қўйилган айрим хатоликларни тугатиш ва ишчи хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш борасида бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Тадқиқ қилинаётган йилларда Сурхондарё вилояти енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ишчи ва хизматчиларининг турар жойга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида ҳам маълум бир ишлар амалга оширилди. Денов ёғ-экстракция заводида 1980-1985 йиллар ичида 64 оила янги давлат уйларига эга бўлган бўлса, 30 нафардан ортиқ ишчи оиласи томорқа олди. 1986 йилда корхона ўз стадионига эга бўлди.

1970-1980 йилларда саноат корхоналари ишчи ва инженер-техник ходимларининг уй-жойга бўлган талабларини қондириш мақсадида бир талай ишлар амалга оширилди. Аммо кўплаб камчиликлар ҳам мавжуд эди. Хусусан уй-жой қурилишида маҳаллий шароит эътиборга олинмади. Айрим уйлар сифатсиз топширилди. Жанубий вилоят шаҳарларининг иссиқ иқлим шароитида ободончилик, кўкаламзорлаштириш ва аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эди. Бироқ бу соҳада айрим ишлар қилинган бўлса ҳам, экилган дарахтларга ўз вақтида қарамаслик оқибатида уларнинг кўпчилиги қуриб қолиб, аҳолини ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 45 фоизни ташкил этиб, бетондан қилинган уй-жойларнинг 3-4 ва хатто 2- қаватларига ичимлик сувлари чиқмас эди. Бунинг устига бинолар иссиқ ёз шароитига мослаштирилмаганди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, тадқиқ қилинган йилларда Сурхондарё вилояти енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ишчи ва хизматчиларининг моддий-маънавий турмуш даражасини яхшилаш борасида анча чора-тадбирлар Жанубий вилоятлар енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ишчи ва хизматчиларининг моддий-маиший турмуш тарзида амалга оширилган тадбирларни таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги муаммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин:

Биринчидан, корхоналар ўртасида ишчи хизматчиларнинг меҳнат ҳақи ҳажмини белгилашда жиддий тафовутлар сақланиб, меҳнат ҳақини ошириш иқтисодий қонунларга деярли асосланмасдан, маъмурий услубда олиб борилар эди. Бу борадаги чора-тадбирлар ўзининг ижтимоий моҳияти билан барқарорлаштиришга қаратилган бўлсада, айрим муаммоларни кескинлаштириб юборди.

Иккинчидан, уй-жой билан таъминлаш масаласида кўпгина хатоликлар ва нуқсонларга йўл қўйилди. Уй-жой қурилишида маҳаллий шароит инобатга олинмай, кўплаб уй-жойлар сифатсиз топширилиб, бетондан қилинган уйларнинг ёзда иссиқ, қишда совуқ ҳолатини бартараф этиш муаммолари ҳал қилинмади, шунингдек, уйларни сув билан таъминлаш қониқарсиз ҳолатда эди.

Учинчидан, корхоналар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қониқарсиз ҳолда олиб борилиб, ўзидан чанг чиқарадиган пахта тозалаш, тўқимачилик, кўплаб заҳарли химикатларни тарқатадиган ёғ, гўшт-сут корхоналари атроф-муҳитни ифлосланиши ва экологик вазиятнинг оғирлашишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Народное хозяйство Узбекской ССР. –Т.: “Узбекистан”, 1971. – С.55.
2. Народное хозяйство Узбекской ССР. –Т.: “Узбекистан”, 1971. – С.54.
3. Народное хозяйство Узбекской ССР. –Т.: “Узбекистан”, 1986. – С.74.
4. Народное хозяйство Узбекской ССР. –Т.: “Узбекистан”, 1986. – С.73.
5. Народное хозяйство Узбекской ССР. –Т.: “Узбекистан”, 1971. – С.242.
6. Народное хозяйство Узбекской ССР. Из. “Узбекистана” –Т., 1971. стр 242
7. Народное хозяйство Узбекской ССР. Из. “Узбекистана” –Т., 1971. стр 242
8. Сурхондарё давлат архивининг Денов филиали, 425-фонд, 2-рўйхат, 183-ҳужжат, 49-варак.
9. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 23-ҳужжат, 5-варак.
10. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 114-ҳужжат, 77-варак.
11. ЎзР МДА, 2325-фонд, 1-рўйхат, 78-ҳужжат, 164-варак.
12. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 78-ҳужжат, 27-варак.